

Юртимизда бу йилги Рамазон ҳайити қандай нишонланади?



21:09 / 21.05.2020 4146

Юртимизда Рамазон ҳайити 24 май куни нишонланиши маълум бўлди. Лекин бу йилги Рамазон ва Ийдул Фитр аввалгиларидан фарқ қилади. Пандемия шароитида улуғ айём кунларини қандай ўтказиш борасидаги саволлар кўпчиликни қизиқтирмақда.

Хабарларга кўра, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши ҳамда фатво ҳайъатининг Ўзбекистонда карантин шароитида Рамазон ҳайитини ўтказиш тартиби ва ҳайит намози бўйича фатвоси ишлаб чиқилмоқда. Яқин соатларда эълон қилинса керак.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорини имзолади. Унга кўра,

2020 йил муборак Рамазон ҳайитининг биринчи куни шу йил 24 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинган эди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари томонидан Ислом дини манбалари ва астрономик маълумотларга таянган ҳолда 2020 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни шу йил 24 май, якшанба кунига тўғри келиши ҳақида хулоса қилинган.

Президент Қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайити **карантин талабларига** мувофиқ, халқнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли чоратадбирларни амалга ошириши белгиланган.

Бу йилги Рамазон ҳайити ва намози борасида турли мусулмон давлатлари ўзининг аҳолиси учун фатволар эълон қилди.

Азҳари шариф Уламолари Кенгаши Коронавирус хавфи давом этадиган бўлса, Ийдул Фитр намозини уйда, бола чақа билан ўқиш жоиз экани ҳақида фатво эълон қилди.

Саудия Арабистони уламолари кенгаши раиси ва Илмий тадқиқотлар бошқармаси бошлиғи муфтий Абдулазиз аш-Шайх коронавирус билан боғлиқ вазиятдан кейин Саудия аҳолиси учун бу йилги ҳайит намозини уйда ўқишга рухсат бериш тўғрисида фатво чиқарди. Фатвога кўра ҳайит намози хутбасиз адо қилинади.

Бирлашган Араб амирлигида ҳам байрам кунлари барча мусулмонларга уйда қолиши ва дўстлари ҳамда қариндошларини табриклашни фақат телефон ёки интернет орқали амалга оширишларини тавсия қилди.

Малайзия ва Индонезия каби давлатлар эса карантин талабларига риоя қилиб оралиқ масофа сақлаган ҳолда ийд намозлари ўқиладиган бўлди.

Манба: islaminstitut.uz